

**\_\_\_ - сонли МУДДАТЛИ БАНК ОМОНАТ ШАРТНОМАСИ**

**Тошкент шахри**

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ **202 й.**

\_\_\_\_\_ (бундан буён матнда “Омонатчи” деб номланади) бир тарафдан ва “Ziraat Bank Uzbekistan” АЖ (бундан буён матнда “Банк” деб номланади) номидан \_\_\_\_\_ га асосида ҳаракат қилувчи \_\_\_\_\_ иккинчи тарафдан, биргаликда эса “Тарафлар” деб номланади, ушбу шартномани (Бундан буён матнда “Шартнома” деб номланади) қуйидагилар ҳақида туздилар:

**1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

**1.1.** Банк Омонатчидан пул маблағларини (бундан буён матнда “Омонат” деб номланади) қабул қилади ва Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 1-илоvasида кўзда тутилган тартибда ва шартларида Омонатни қайтариш ва фоизларини тўлаш мажбуриятини олади.

**2. ОМОНАТ ШАРТЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

**2.1.** Мазкур Шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган Омонат суммаси Омонатчи томонидан Мазкур Шартнома имзоланган банк иш куни мобайнида қўйилиши лозим. Мазкур шарт Омонатчи томонидан бажарилмаган тақдирда, Мазкур Шартнома тузилмаган ҳисобланади.

**2.2.** Омонат фоизлари пул маблағларини банкка келиб тушган кунидан кейинги кундан бошлаб, уни Омонатчига қайтарилган кунгача ёки бошқа асосларга кўра Омонатчининг ҳисоб рақамидан ечилган кунгача ҳисобланади.

**2.3.** Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Омонатчининг ҳисоб рақамига банд солинган давр мобайнида Омонат суммасига фоизлар ҳисобланмайди.

**2.4.** Омонат фоизлари Омонатчига Шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган шартлар бўйича тўланади.

**2.5.** Мазкур Шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган Омонат муддати тугагандан сўнг, Омонатчи Омонат суммасини қайтариб олмаган бўлса ҳам, фоизлар ҳисобланмайди. Омонат суммаси Омонатчини номига очилган талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамига ўтказилади.

**2.6.** Агарда Омонатни қайтариш санаси банк иш эмас кунига тўғри келса, шунда у кейинги банк иш кунига ўтказилади.

**2.7.** Омонат Омонатчи томонидан муддатидан олдин олинганда, Омонат фоизларини тўлаш шартлари Шартноманинг 1-илоvasида аниқланади.

**2.8.** Омонат суммасини тўлдириш шартлари Шартноманинг 1-илоvasида аниқланади. Омонат суммасини тўлдиришда, агар ушбу Омонат шартларида кўзда тутилган бўлса, мазкур Шартномага 1-иловани ўзгартириш ҳақида қўшимча келишув тузилади.

**2.9.** Фоизларни тўлаш кунидан, ҳисобланган фоизлар Омонатчини номига очилган талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамига ўтказилади. Талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақами қолдиғига фоизлар ҳисобланмайди.

**2.10.** Мазкур Шартнома бўйича Омонат муддати узайтирилмайди.

**3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

**3.1. Банк мажбуриятлари:**

**3.1.1.** Омонатчини Омонат тартиби ва шартлари билан таништириш;

**3.1.2.** Белгиланган тартибда Омонатчидан пул маблағларини нақд ва нақдсиз шаклда қабул қилиш ва пул маблағларини Омонатчининг ҳисоб рақамига кирим қилиш;

**3.1.3.** Омонат бўйича барча операцияларни омонат китобчасида қайд этиб бориш;

**3.1.4.** Мазкур Омонат юзасидан барча амалга ошириладиган операциялар бўйича банк сирини сақлаш. Учинчи шахсларга банк сирини ташкил қилувчи маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тақдим қилиш;

**3.1.5.** Омонат шартларига кўра Омонатни ва ҳисобланган фоизлар суммасини Омонатчига бериш;

3.1.6. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ва Мазкур Шартномага кўрсатилган бошқа талабларни бажариш;

3.1.7. Омонатчини SMS хабарнома тизимига улаш. SMS хабарнома Омонатчининг аризасида кўрсатилган телефон рақамига юборилади;

3.1.8. Банк томонидан Омонат юзасидан операциялар тўхтатилганда, операциялар тўхтатилган санадан кейинги иш кунидан кечиктирмай Омонатчига унинг ҳисоб рақамига хизмат кўрсатиш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари ҳақида маълумотнома (хабарнома) юбориш.

### **3.2. Банк ҳуқуқлари:**

3.2.1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа ваколатли органлар томонидан Омонатчининг ҳисоб рақамига банд солинган тақдирда Омонат бўйича операцияларни амалга оширишни тўхтатиш;

3.2.2. Мазкур Шартнома талабларига зид бўлган ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан таъқиқланган Омонат ва фоизлар суммасини тасарруф этиш билан боғлиқ ҳаракатларни Омонатчига/унинг қонуний вакилларига амалга оширишга рад қилиш;

3.2.3. Омонатчидан унинг паспорт маълумотларига киритилган мавжуд ўзгартиришлар, турар жой ва телефон контактлари ҳақида маълумотларни сўраб олиш;

3.2.4. Омонат ёпилган тақдирда Омонатчидан мазкур Омонат бўйича омонат дафтарчасини қайтариб беришни талаб қилиш;

3.2.5. Ўзининг функцияларидан келиб чиқадиган шахсий мақсадларини таъминлаш учун Омонатчининг пул маблағларидан фойдаланиш;

3.2.6. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган асослар, халқаро талаблар, шунингдек қайсидир санкциялар мавжуд бўлган тақдирда, олдиндан огоҳлантирмасдан ҳисоб рақам бўйича амалга ошириладиган операцияларни рад қилиш ёки тўхтатиш, ва/ёки пул маблағларига блокировка қўйиш.

### **3.3. Омонатчи мажбуриятлари:**

3.3.1. Мазкур Шартноманинг шартларига риоя қилиш;

3.3.2. Шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган Омонат суммасини Мазкур Шартнома имзоланган кун банк иш куни мобайнида Банкка киритиш;

3.3.3. Омонатни очиш, юритиш ва қайтариш (ёпиш) учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим қилиш;

3.3.4. Банкка ёзма равишда унинг паспорт маълумотларига киритилган ўзгартиришлар, турар жойи ва контакт телефонларини ҳақида маълум қилиш, янги паспорт маълумотлари нусхасини, шунингдек SMS хабарнома хизмати уланган уяли телефон рақамини тақдим қилиш. Мазкур Шартномада кўрсатилган тартибда Омонатчи томонидан контакт маълумотлари ўзгартирилганлиги ҳақида маълумотлар тақдим қилинмаган ёки ўз вақтида тақдим қилинмаган тақдирда, Банк юборилган маълумотлар учинчи шахсларга маълум бўлганлиги учун жавобгарликни олмайди.

3.3.5. Омонат ёпилган тақдирда мазкур омонат бўйича омонат дафтарчасини Банкка қайтариш.

### **3.4. Омонатчи ҳуқуқлари:**

3.4.1. Омонатга қўйган пул маблағларидан Мазкур Шартнома доирасида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ шахсан, ёки қонуний вакиллари орқали тасарруф этиш;

3.4.2. Мазкур Шартноманинг 1-илоvasида кўзда тутилган шартларига кўра Омонат суммасини муддатидан олдин қайтариб олиш;

3.4.3. Ёзма равишда ариза бериш орқали Банк томонидан кўрсатиладиган ахборот хизматларидан воз кечиш.

## **4. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.**

4.1. Мазкур шартнома Банкка пул маблағлари киритилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

4.2. Шартномани амал қилиш муддати – тарафлар томонидан мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунга қадар.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

**5.1.** Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ва низоларни музокара йўли билан ҳал қиладилар. Низолар тинч йўли билан ҳал қилинмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда БАНК жойлашган жойдаги суд томонидан кўриб чиқилади.

## 6. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

**6.1.** Мазкур Шартномани тузиш ва Омонат бўйича Омонатчининг ҳисоб рақамига пул маблағларини киритиш омонат китобчаси билан тасдиқланади.

**6.2.** Омонатчи томонидан уяли телефон рақами нотўғри тақдим қилинган тақдирда, ҳамда уяли телефон рақами ўзгартирилганлиги ҳақида маълумотларни Банкка ўз вақтида тақдим қилмаган тақдирда, Банк юборилган SMS ахборотлар учун жавобгарликни олмайди.

**6.3.** Шартномада кўрсатилмаган шартлар ва ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

**6.4.** Мазкур шартнома ҳар бир тараф учун икки нусхада тузилди. Ҳар бир нусхаси бир ҳил юридик кучга эга.

**6.5.** Мазкур Шартнома бўйича омонат Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисидаги”ги Қонунига асосан кафолатланган.

## 7. БАНКДАН МАЪЛУМОТНОМА (ХАБАРНОМА) ОЛИШ УЧУН ОМОНАТЧИНИНГ АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ

**7.1.** Маълумотномалар (хабарномалар) Омонатчига шахсан, почта ёки электрон алоқа воситалари ва бошқа коммуникация каналлари орқали топширилиши мумкин. Маълумотномани (хабарномани) олиш усули Омонатчи томонидан танланади ва Мазкур Шартномани 7.2. бандида кўрсатилади.

**7.2.** Маълумотномалар (хабарномалар) олиш учун алоқа воситаси ва усулини танлаш ва кўрсатиш:

- ☐ Почта манзили: \_\_\_\_\_
- ☐ E-mail манзили: \_\_\_\_\_
- ☐ тел. \_\_\_\_\_
- ☐ бошқа коммуникация каналлари \_\_\_\_\_
- ☐ шахсан \_\_\_\_\_

**7.3.** Омонатчи маълумотнома (хабарнома) етказиш усулини банкка шахсан ёки почта орқали ёзма ариза тақдим этиш йўли билан ўзгартириш ҳуқуқига эга. Хабарномани (маълумотномани) мижозга етказиш усули ўзгарганлиги муносабати билан мазкур шартномага ўзгартиришлар киритиш талаб этилмайди.

## 8. ОМОНАТЛАРНИ КАФОЛАТЛАШ

**8.1.** Ўзбекистон Республикаси "Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида" ги Қонунига мувофиқ, мижоз томонидан банк ҳисобрақамларига киритилган маблағларнинг сақланиши кафолатланади.

- Ziraat Bank Uzbekistan АЖда жойлаштирилган жисмоний шахсларнинг омонатлари Ўзбекистон Республикасининг «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **Омонатларни кафолатлаш агентлиги** томонидан кафолатланади.

- Кафолатлаш ҳодисаси банкни тугатиш (ёпиш) тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан юзага келади. Бунда ҳар бир омонатчига тўланадиган компенсация миқдори, омонат бўйича ҳисобланган фоизларни инобатга олган ҳолда, **200 000 000 сўмдан ошмаслиги лозим.**

- Чет эл валютасида жойлаштирилган омонатлар бўйича компенсация Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк тугатилган санадаги расмий курси асосида миллий валютада тўланади.

**9. ТАРАФЛАР РЕКВИЗИТЛАРИ**

| БАНК                                                                                                                                                                                                                                   | ВКЛАДЧИК                                                                                                                             |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>«Ziraat Bank Uzbekistan» АЖ</b><br>Манзил: Тошкент шаҳар, 100043<br><b>Проспект Бунёдкор, 15 АБВ</b><br>Реквизит: МФО 00395, ИНН 201178469<br>х/р: _____<br>Тел.: 998(78) 147-67-67<br>Қисқа рақам:1293<br>Рахбар _____<br><br>М.Ў. | ФИО:<br>Манзил:<br><br>Паспорт:<br><br>Телефон:<br>дом.:<br>моб.:<br>Омонат шартлари билан таништирилдим ва<br>розиман<br>Имзо _____ |

\_\_\_\_\_ - сонли \_\_\_\_\_.202 й>  
Банк муддатли омонат шартномасига  
1-сонли Илова

### ОМОНАТ ШАРТЛАРИ

|                                                                                |                       |
|--------------------------------------------------------------------------------|-----------------------|
| Омонат номланиши:                                                              | «_____»               |
| Омонат суммаси:                                                                |                       |
| Омонат валютаси:                                                               |                       |
| Омонат ҳисоб рақами:                                                           |                       |
| Омонат муддати:                                                                |                       |
| Омонат бўйича фоиз ставкаси:                                                   | Йиллик _____% (_____) |
| Омонатни киритиш шакли (усули):                                                |                       |
| Омонатни қайтариш шакли (усули):                                               |                       |
| Омонат бўйича фоизларни олиш шакли (усули):                                    |                       |
| Омонат бўйича ҳисобланган фоизларни капитализацияси:                           |                       |
| Омонатни қўшимча тўлдириш:                                                     |                       |
| Мижознинг ташаббуси билан муддатидан олдин Омонатни ёпиш:                      |                       |
| Мижознинг ташаббуси билан муддатидан олдин Омонатни ёпиш, Мижоз огохлантиради: |                       |
| Омонатни муддатидан олдин қисман олиш:                                         |                       |
| Омонатни ва (ёки) фоизларни ўтказиш учун комиссия:                             |                       |

Рахбар \_\_\_\_\_

М.Ў.

Омонат шартлари билан танишдим  
ва розиман  
Имзо \_\_\_\_\_

<DATE>